

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХОБОВ КАМОЛДИН БИЛОЛДИНОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
(Шукур Холмирзаев асарлари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 821.512.133:82.09 (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Шахобов Камолдин Билолдинович

Ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даврининг бадиий талқини (Шукур Холмирзаев асарлари мисолида).....3

Шахобов Камолдин Билолдинович

Художественная интерпретация переходного периода в современной узбекской прозе (на примере произведений Шукура Холмирзаева).....25

Shaxobov Kamoldin Biloldinovich

The artistic interpretation of transition period in current Uzbek prose (in the example of works by Shukur Kholmiraev).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХОБОВ КАМОЛДИН БИЛОЛДИНОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
(Шукур Холмирзаев асарлари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона - 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil653 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Касимов Абдугапир Абдикаримович
филология фанлари доктори

Кучкарова Мархабо Ҳудайбергеновна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “__” ____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2019 йил __ ____да тарқатилди.
(2019 йил ____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Ғ.Сабирдинов

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ҳозирги постсовет мамлакатлардаги *ўтиш даври* жараёнининг миллий адабиётлардаги бадиий талқинини тадқиқ этишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги замон кишисининг ижтимоий-маънавий, руҳий қиёфасидаги ўзгаришларнинг бадиий адабиётдаги ифодаси бугунги кун адабиётшунослари олдида ана шу ўзгаришларнинг моҳиятини, илдизларини очиб бериш вазифасини қўймоқда.

Дунё адабиётшунослигида ўтиш даври муаммоларини, жумладан, авлодлар ўртасидаги муносабатларни бадиий таҳлил этишга алоҳида диққат қаратилган. Умуман олганда, адабиётнинг азалий муаммоси “инсон жумбоғи” экан, ўтиш даври инсон моҳиятидаги очилмаган қирраларни намоён этади, ўз навбатида, бадиий адабиёт ана шу қирраларни бадиий кашф этиш орқали инсон моҳиятини англашга интилади. Инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам оталар ва болалар муносабатлари, авлодлар ўртасидаги зиддиятлар масаласи жамиятнинг азалий муаммоси бўлиб келган. Фарбда, хусусан, рус адабиётшунослигида юқорида қайд этилган муаммоларнинг бадиий адабиётдаги талқини масаласи юзасидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ва янги асрнинг биринчи ўн йиллиги постсовет мамлакатларида бир тузумдан иккинчи тузумга *ўтиш даври* кишилар маънавий-руҳий қиёфасидаги улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ўзгаришларнинг бадиий адабиётдаги инъикоси, ўз навбатида, адабиётшунос олимлардан жиддий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам айтилиши мумкин, бу давр билан боғлиқ ҳолатда замонавий ўзбек насри, ҳозирги адабий жараён юзасидан тайёрланган илмий тадқиқотларда, адабий-танқидий мақола ва чиқишларда ўтиш даврига хос бўлган муаммоларнинг бадиий адабиётда акс эттирилиши масаласи бўйича фикр-мулоҳазалар, муносабат билдирилган. Бироқ конкрет ижодкор ёки муайян даврда яратилган асарларда ўтиш даврига хос бўлган муаммоларнинг бадиий талқини масаласида махсус тадқиқотлар мавжуд эмас.

Зотан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу борада замонавий ўзбек адабиётидаги ўтиш даври муаммоларини, хусусан, оталар ва болалар муносабатини ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада ўзбек адабиётшунослиги олдидаги қуйидаги масалаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга: замонавий ўзбек насрида ўтиш даври

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси / “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

муаммоларини бадий акс эттириш йўллари; бунда реалистик принципларнинг ўрни ва аҳамияти; авлодлар ўртасидаги зиддият ва ворисийлик масаласининг бадий идрок этилиши; ёзувчи ва қаҳрамонларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга муносабати талқини; ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даври талқинидаги ўзига хосликларни аниқлаш кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ–3160-сонли қарори, 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4358-сон “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарор талаблари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадий адабиётда ўтиш даври муаммоларининг акс эттирилиши масаласи Н.Л.Лейдерман, Н.А.Хренов, И.В.Кондаков, К.Б.Соколов, Т.А.Рытова, С.Твердохлебова, Н.А.Томилова, В.Шишкина, А.Степанова, И.Калита томонидан ўрганилган².

² Лейдерман Н. Траектории «экспериментирующей эпохи» // Вопросы литературы, 2002. - №4. <http://magazines.russ.ru/voplit/2002/4/lei.html>; Хренов Н. Переходность как следствие колебательных процессов между культурой чувственного и культурой идеационального типа // Переходные процессы в русской художественной культуре: Новое и Новейшее время. – М., 2003; Кондаков И.В., Соколов К.Б., Хренов Н.А. Цивилизационная идентичность в переходную эпоху. – М.: Прогресс-Традиция, 2011. Рытова Т.А. Романы конца 1990-х-2000х гг. об изменении поколенческих связей и передачи опыта // Вестник Томского государственного университета, 2011. - №4. – С.111-125; Рытова Т.А. Мотив хранения и передачи опыта в романах А.Чудакова «Ложится мгла на старые ступени» и П.Алешковского «Рыба. История одной миграции» // Вестник КемГУ, 2013. - №1. – С.200-205; Рытова Т.А. Поэтика «поколенческого» сюжета в романе А.Иличевского «Математик» // Вестник Томского государственного университета, 2014. - №3. – С.42-51; Твердохлебова С. Отцы и дети в прозе 1950-2000-х годов. // <https://www.proza.ru/2011/11/23/976>; Томилова Н.А. Социально-духовный поиск героя на сломе эпох (на материале романа А. Иличевского «Матисс») // Политическая лингвистика, 2012. – №4. – С. 237-241; Шишкина В. Постмодернизм как переходная эпоха, или в садах Экклезиаста // <http://www.topos.ru/article/4096>; Степанова А. Город в

Ўзбек адабиётшунослигида ушбу масала ҳали махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунга қарамай, бугунги адабий жараён, замонавий насрчилик масалаларига бағишланган мақолалар, алоҳида ижодкорларга бағишланган тадқиқотларда бу масала бўйича ҳам йўл-йўлакай фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган. Жумладан, У.Норматов, А.Расулов, Й.Солижонов, Қ.Йўлдошев, А.Улуғов, И.Ёқубов каби мунаққидларнинг адабий-танқидий чиқишларида ҳам турли ижодкорлар асарлари мисолида ўтиш даври муаммоларининг акс эттирилиши масаласига тўхталиб ўтилган³.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўтиш даври муаммоларининг Шукур Холмирзаев асарларидаги бадиий талқинини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтиш даврининг бадиий-эстетик идрок объекти сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

ҳозирги ўзбек насридаги ўтиш даврига хос мавзу ва муаммолар кўламини аниқлаш;

“Олабўжи” романида тасвирланган воқелик ўтиш даврининг илк босқичи талқини эканини асослаш;

ўтиш даврининг бадиий талқинида авлодлар ўртасидаги зиддият тасвирининг аҳамиятини исботлаш;

Шукур Холмирзаев ҳикоялари ва “Динозавр” романидаги ўтиш даври қаҳрамонларининг маънавий-руҳий изланишларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг 1987 – 2004 йиллар оралиғида ёзилган ҳикоялари, “Олабўжи” ва “Динозавр” романлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Шукур Холмирзаевнинг ўтиш даври бадиий талқин этилган асарлари проблематикаси, бадиий ифода йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва социологик таҳлил усуллари қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

художественном сознании переходной эпохи (к вопросу о специфике эстетического идеала литературы модернизма) // Polilog. Studia Neofilologiczne nr 3, 2013. <http://www.arch.apsl.edu.pl/polilog/pliki/nr3/06.pdf>; Калита Инна. “Новый реализм” русской литературы в зеркале манифестов XXI века. // SLAVICA LITTERARIA, 2016. №1 (19). – С.67-80.

³ Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи, 1993. – №10. – Б.181-189; Норматов У. Роман кўзгусида миллат тақдири // Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. – Т.: Турон замин зиё, 2015. – Б. 8-17; Расулов А. Умри уволлар қиссаси // Шарқ юлдузи, 1999. -№6 – Б.149-152; Солижонов Й. XXI аср насри манзаралари. Мавзу, муаммо ва ечим // Шарқ юлдузи. 2011. -№4. – Б.147-157. Йўлдошев Қ. Дастлабки доvon белгилари // Шарқ юлдузи, 2001. - №1. – Б.5-10;

Ш.Холмирзаевнинг 80-йиллар охири – 90-йиллар ижодида ўтиш даврining бадий идроки етакчи проблематикага айлангани, бу ҳолнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар ва ижодий-руҳий омиллар билан боғлиқлиги очиб берилган;

авлодлар орасидаги муносабатнинг ўтиш даврида кескинлашуви ижтимоий-тарихий тараққиётни тезлаштирувчи омил экани конкрет асарлар таҳлили орқали далилланган ва шу асосда бадий адабиётнинг ижтимоий тафаккур ривожидagi аҳамияти кўрсатилган;

ўтиш даври қаҳрамонларининг ижтимоий-маънавий, руҳий изланишлари жамиятнинг жорий ҳолати, тарихий тараққиёт йўналишларини англаш эҳтиёжидан келиб чиқиши исботланган;

“Олабўжи” романида мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳосиласи сифатида бадий талқин этилганлиги очиб берилган;

“Динозавр” романида қаҳрамонларнинг ижтимоий-маънавий изланишларини тасвирлаш жамиятнинг жорий ҳолати ҳақидаги тугал концепцияни ишлаб чиқиш мақсадига қаратилгани ва бунинг жанр талаби билан изоҳланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

ўтиш даври адабиёти ва ўтиш даври бадий-эстетик идрок объекти бўлган асарлар ўзаро фарқланган;

ўтиш даври муаммоларининг бадий ифодасидаги реалистик ва нореалистик усуллар бирдек аҳамиятга эга эканлиги конкрет бадий асарлар таҳлилида асосланган;

“Динозавр” романида субъект (муаллиф шахси) ва объект (ўтиш даври) ўртасида муайян масофа юзага келмаганлиги қўйилган проблематиканинг бадий талқинига таъсир этганлиги исботланган;

XX аср бошларидаги ўтиш даврining янги ўзбек адабиётидаги талқинларини ҳамда постсовет мамлакатлар адабиётида ҳозирги ўтиш даври муаммоларининг бадий ифодасини қиёсий-тарихий нуқтаи назардан махсус ўрганиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва социологик таҳлил усуллари билан асослангани, назарий фикрлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган хулосалар замонавий ўзбек насри тараққиёт тамойилларини аниқлашга, реал воқелик ва бадий реаллик муносабатини белгилашга хизмат қилиши, ҳозирги ўзбек насри тараққиёти қонуниятларини, ўтиш даври адабиётининг

бадий-эстетик табиати масалаларини, адабиёт тараққиётида алоҳида босқич сифатидаги хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даврининг бадий талқини, ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг бадий адабиётга таъсири ҳақидаги қарашлар янги ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён, ўзбек адабий танқиди тарихи фанларидан яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даврининг бадий талқини мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

80-йиллар охири ва 90-йиллар Ш.Холмирзаев ижодининг мавзу, проблематика, бадий ифода йўллари аниқлашда ҳамда ўтиш даврига хос бўлган типологик белгилар ҳақида қиёсий адабиётшунослик билан боғлаган ҳолда чиқарилган муҳим назарий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида 2012-2016 йилларда олиб борилган ФА-Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 16 майдаги №3/1255-1465-сон маълумотномаси). Натижада ўтиш даврига хос бўлган муаммолар аниқланди;

ўзбек ва собиқ иттифоқ ҳудуди миллий адабиётларида ўтиш даврининг бадий талқинларига оид типологик ўхшашликларни аниқлаб, шу асосда иллюстратив материал тайёрлаш асосида “Қиёсий адабиётшунослик” номли ўқув қўлланманинг “Типологик ўхшашликлар” номли бобини тайёрлашда, “Адабиётшунослик луғати”га киритилган “типологик ўхшашликлар”, “типологик умумийлик”, “талқин”, “бадий талқин”, “терменевтика”, “контекст”, “тушуниш майдони”, “психологик таҳлил”, “адабий авлод”, “давр руҳи” каби терминларни изоҳлашда 2016-2017 йилларда олиб борилган ОТ-А-1-46 рақамли “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш” мавзуидаги амалий дастур лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 89-03-2823-сон маълумотномаси). Натижада ўтиш даври муаммолари ва уларнинг бадий талқини масаласи назарий жиҳатдан асосланди;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ўтиш даври масаласи бадий талқин этилган бир қатор ҳикоя ва романларини бадий таҳлил этиш жараёнида инсон руҳияти, дунёқараши, маънавий оламини бойитиш, унинг онгу шуурига эзгу ғояларни сингдириш, комил инсон этиб тарбиялаш йўналишида чиқарилган хулосалар, муносабат ва қарашлардан “O'zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда

фойдаланилган (“O’zbekiston” телерадиоканалининг 2019 йил 1 мартдаги 35-сон маълумотномаси). Натижада замонавий ўзбек насри ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, атоқли адиб Ш.Холмирзаев адабий асарларининг диссертацияда тавсия этилган таҳлил тамойиллари асосида замонавий ўзбек насрида яратилган ҳикоя ва эсселар, роман ва қиссалар бадиияти ва моҳияти оммалаштирилди. Бу эса радиотингловчиларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳозирги ўзбек насри бадиий талқинини атрофлича ўрганишида алоҳида аҳамият касб этди;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, илм олиш ва китоб мутолаасига тарғиб қилиш борасида тадқиқотда келтирилган хулоса ва фикр-мулоҳазалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг адабий-бадиий, маънавий-маърифий йўналишда эфирга узатиладиган “Маънавият – қалб кўзгуси”, “Ижод гулшани” кўрсатувлари, “Маънавият сарчашмаси” эшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 1 апрелдаги 20-24/246-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар асосли илмий фактлар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусига доир 8 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 6 та мақола нашр қилинган, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўтиш даври бадиий-эстетик идрок объекти сифатида”** деб номланади ва у икки фаслдан иборат. Биринчи фасл **“Ўтиш даври тушунчаси ва унинг бадиий талқини масаласи”** деб аталган ва унда ўтиш даври тушунчаси, унинг эски, умрини тугатган ижтимоий муносабатлардан янги, илғор ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёнидаги оралиқ босқич экани, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб

мамлакатимизда ўтиш даври ўз моҳиятига кўра маъмурий буйруқбозликка асосланган социалистик тузумдан бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятига ўтиш билан характерланиши, ўтиш даври адабиёти ва ўтиш даври бадий эстетик идрок объекти қилиб олинган асарларнинг ўзаро фарқланиши, ўтиш даврини бадий идрок этишда ижодкорнинг дунёқараши, адабий авлод вакили сифатидаги хусусиятлари муҳим аҳамиятга эгаллиги масалалари ёритиб берилган.

Конкрет ижтимоий-тарихий давр воқелиги ижодкорни нафақат мавзу нуқтаи назаридан, балки асар проблематикасининг асоси сифатида ҳам қизиқтиради, уни қўлига қалам олишга ундайди. Ўз навбатида, бадий асар мазмун-моҳиятини таҳлил ва тадқиқ этишда реал воқелик ва бадий воқелик муносабатларини ўрганиш адабиётшунослар олдидagi энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Мазкур омиллар, бизнингча, бадий ижод амалиётида ўтиш даврларига ғоят муҳим эътибор берилишининг ҳам, бундай даврлар акс эттирилган асарларга адабиётшуносликдаги қизиқиш катталигининг ҳам сабабларини изоҳлайди.

Тадқиқотчи Н.Б.Бурыкина жамият ҳаётидаги ўтиш даврларини қуйидагича таърифлайди: “Ўтиш даври – бу эски даврнинг тезкор, фалокатли (инқилоблар) ёки секин, узоққа чўзиладиган (тадрижий) таназзули ҳамда қулаши пайтида юзага келадиган босқичдир”⁴.

Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, “эски давр” ва “янги давр” тушунчалари уларда ҳукм сурадиган ижтимоий муносабатларнинг турлича эканлигига кўра фарқ қилади. Эски даврга хос ижтимоий муносабатларнинг ўз умрини тугатганлигига қарамай яшашда давом этаётганлиги, тараққиётга тўсқинлик қилаётганлигини англаш, одатда, янги ижтимоий муносабатлар заруратини юзага келтиради. Ана шу заруратни вақтида англаб, шунга мувофиқ тараққиёт йўлини танлаб олмаслик жамият тараққиётида депсинишга олиб келади.

Яқин тарихимиздаги ўтиш даври ҳақида сўз кетганда, ҳисоб 1980-йилларнинг ўрталаридан бошлаб юритилади. Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоевнинг қуйидаги фикрлари ҳам фикримизнинг далили бўла олади: “XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Ўзбекистон ҳали ўз Миллий Мустақиллигини эълон қилмаган бир пайтда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар рўй бера бошлаган эди”⁵.

Ушбу бобнинг **“Ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даври муаммоларининг акс эттирилиши”** деб номланувчи иккинчи фаслида эса 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган ўтиш даври ҳақида ҳозирги ўзбек насрида бир қатор асарларнинг яратилгани, уларнинг бир қисмида ўтмишни қайтадан идрок этаётган персонаж марказга чиқарилгани, айрим асарларда

⁴ Бурыкина Н.Б. Переходная эпоха и рефлексия исторического процесса // Известия Российского Государственного Педагогического Университета им. А.И.Герцена. 2009. <https://cyberleninka.ru/article/n/perehodnaya-epoha-i-refleksiya-istoricheskogo-protsessa>

⁵ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: O`zbekiston, 2010. – Б. 70.

бозор муносабатлари шароитида ўзига мос йўлни қидираётган зиёли образи асосий қаҳрамонга айлангани, ўтиш даври тасвирида айрим асарларда шартли-мажозий усулда акс эттириш тенденцияси кучайганлиги каби масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Ўтиш даврида жамиятнинг ўз-ўзини қайта англаши жараёни хусусиятларини тадқиқ этган И.В.Кондаков, К.Б.Соколов, Н.А.Хреновнинг “Ўтиш даврида цивилизацион ўзига хослик” номли китобида шундай фикрлар бор: “Қар сафар янги авлод, шахс тарихни қайтадан англайди, ўзи учун ҳозир ва шу ерда аҳамиятли бўлганларини танлаб олади, айти вақтда муҳим бўлмаганларини эса гўё иккинчи планга суриб қўяди. Қисқаси, кишилар тарихдан ўзларига кераклисини олишади. Турли сиёсий, ижтимоий кучлар ижтимоий хотирада нимани кўришни хоҳласалар, ана шуни кўрадилар”⁶.

Биз тадқиқ этаётган давр адабиёти ижодкорлари ҳам юқоридаги каби жараёни бошдан кечирадилар. Даврнинг ўзи улардан ўтмишга муносабатни ўзгартиришни, тарихни қайтадан идрок этишни зарурат қилиб қўйди. Бу борада ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикоясини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Унда ўз ўтмишини қайтадан идрок этиш орқали ўзининг инсоний моҳиятини қайта англаётган, яшаб ўтган умрига бутунлай бошқача назар ташлаш орқали нафақат ўзи, балки бутун жамият ўтмиши устидан ҳукм чиқараётган инсон образи яратилган. Шунингдек, Шукур Холмирзаевнинг кўплаб асарларида тарихга муносабатни кўрсатиш орқали персонажлар дунёқараши, олам ва одамга муносабатидаги ўзгаришлар жараёни акс эттириб берилган. “Олабўжи” романида Ултон, Хуррам ва Зокир Ўринов каби персонажларнинг бевосита тарих билан боғлиқ касб эгаси эканликлари, уларнинг халқимиз яқин ва узоқ ўтмишига доир суҳбатлари, баҳс-мунозаралари роман бадиий концепциясини ифодалашда алоҳида аҳамият касб этган. Адибнинг 1998 йилда чоп этилган “Динозавр” романида ҳам жамиятимиздаги ўзгаришларга мувофиқ тарих концепциясининг янгиланиши ўз ифодасини топган. Романда Маҳкам ва Жамолиддиннинг Амир Темур шахси, унинг сиймосини кинода акс эттириш борасидаги фикрлари ҳар икки персонажнинг дунёқарашидаги ўзгаришларни, жамиятимизда тарихга, хусусан, Амир Темур шахсининг тарихий аҳамиятига муносабатнинг ўзгарганлигини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Ўтиш даври муамоларини акс эттириш истиклол арафасидаги ва мустақиллик давридаги ўзбек адабиёти, хусусан, насридаги кўплаб асарларнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади. Бу борада, айниқса, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Абдуқаюм Йўлдошев, Лукмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизи Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам каби носирлар ижоди алоҳида аҳамият касб

⁶ Кондаков И.В., Соколов К.Б., Хренов Н.А. Цивилизационная идентичность в переходную эпоху. Культурологический, социологический и искусствоведческий аспекты. – М.: Прогресс-Традиция, 2011. – С.555.

этди. Жумладан, профессор У.Норматов “Қалбдаги беназир зиё” номли мақоласида “бугунги кунимиз, ҳозирги глобаллашув даври, бозор иқтисодига ўтиш палласида одамлар қисмати ва руҳиятида кечаётган эврилишлар ҳақида баҳс этади”ган асарлар сирасида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик”, Эркин Аъзамнинг “Ступка”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Тош”, “Яхши одамлар”, Зулфия Қуролбой қизининг “Ёзсиз йил” ҳикоялари, “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби” романларини санаб ўтади⁷.

Табиийки, бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги инсоннинг ҳаёти, дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳамда руҳиятидаги эврилишлар ҳозирги ўтиш даври ўзбек насридаги асосий мавзуга айланди. “Бозор муносабатлари ўз-ўзидан инсоннинг жамият, оила, жамоа, ўзга юрт ва одамлар ўртасидаги зиддият ҳамда алоқалар силсиласини ҳам юзага чиқаради. Бундай вазиятда турмушини ўнглаш учун уринаётган шахс манфаати билан янгиланишга юз тутаётган жамият ва сиёсат манфаатлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар вужудга келади. Улар ўз навбатида оилавий муносабатларга ҳам, ахлоқий эврилишга ҳам, инсоннинг ёвузлик сари юз тутишига ҳам у ёки бу даражада таъсир ўтказмай қолмайди”⁸. Шукур Холмирзаевнинг “Динозавр” романи, “Аросат” ҳикояси, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси, “Бозор” романи, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Катта ўйин” қиссаси, Улуғбек Ҳамдамнинг “Бир пиёла сув”, “Олисдаги Дилнура” ҳикоялари, “Мувозанат”, “Исён ва итоат” романлари бевосита бозор муносабатларига ўтиш жараёни таъсирида ўзгара бошлаган, йўл излаётган, маънавий-руҳий ўзгаришларни бошдан кечираётган кишилар ҳақидадир.

Ўтиш даври бадиий акс эттирилган асарларнинг мавзу-мундарижаси ҳақида гап кетганда, аввало, бозор муносабатлари шароитида йўл излаётган қаҳрамоннинг ёзувчи диққат марказига чиқарилганлигини таъкидлаш зарур. Бу борада Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романидаги Маҳкам, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романидаги Фозилбек, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романидаги Юсуф, “Исён ва итоат” романи қаҳрамони Акбар ўртасида умумийликларни кузатиш мумкин. Ушбу романларнинг муаллифлари бадиий концепциясини ифода этишда, ўтиш даври кишининг маънавий-руҳий эврилишлари, кечаги куни, бугуни ва эртаси ҳақидаги яхлит фикр-хулосаларини акс эттиришда юқоридаги қаҳрамонларнинг кечмишлари асосий ўрин тутаяди. Мазкур асарлар бош қаҳрамонларининг зиёли эканлиги, уларнинг жамият ҳақида, замондошлар, дунё ва давр ҳақида жамиятнинг олдинги қатламига хос тарзда мушоҳада юритишлари ижодкорлар учун дунё ва давр концепциясини ифода этишда оптимал имконият яратган.

Ўтиш даври тасвирланган асарларда акс эттирилган энг долзарб муаммолардан бири авлодлар ўртасидаги муносабат масаласидир. Маълумки, ўтиш давларида оталар ва болалар зиддияти, авлодлар ўртасидаги муносабатлар ҳар доимгидан ҳам кескинлашади. Адабиётшунос

⁷ Норматов У. Қалбдаги беназир зиё. // <http://kh-davron.uz/umarali-normatov-qalbdagi-benazir-ziyo.html>

⁸ Солижонов Й. XXI аср насри манзаралари. Мавзу, муаммо ва ечим // Шарқ юлдузи. 2011. - №4. – Б. 148.

Ф.Кийикбоев оталар ва болалар муносабатининг ўзбек адабиётида ёритилиши масаласини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганган⁹. Унинг фикрича, “аждодлар ҳамда авлодлар алмашинуви қонуний тарихий жараён бўлиб, бу жараён ҳар доим ҳам силлиқ ва осойишта кечавермайди. Ҳаётнинг бадиий кўзгуси бўлган адабиёт ана шу алмашинув жараёнининг бутун мураккаблиги, зиддиятлари, келиб чиқиши сабаблари ва оқибатларини ҳаққоний тасвирлашга бурчлидир”¹⁰. Ушбу муаммони акс эттириш жараёнида янги авлод вакиллариининг адабиётимизда бир қатор образлари яратилди. “Ҳозирги авлод ўзининг руҳий олами, ички дунёсининг даражаси жиҳатдан бундан 10-15 йил олдинги авлоддан тубдан фарқ қилади, - деб ёзади адабиётшунос олим профессор Й.Солижонов. – Чунки ҳозирги авлод миллий мафкура ғояси билан ўзидан олдинги акалари ҳамда оталарига қараганда чуқурроқ ва тўлароқ қуролланган. Ёзувчи ана шу фарқни ҳам назардан соқит қилмаслиги шарт. Бадиий адабиётда ана шундай ёшларнинг мукаммал тимсолларини яратиш, уни тенгдошларига ибрат қилиб кўрсатиш ҳозирги жараённинг муҳим вазифаси бўлиб турибди”¹¹. Шукур Холмирзаевнинг “Озодлик” ҳикоясидаги Мансур, Ўтбосар образлари, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романидаги Фозилбек, Қадрия образлари Й.Солижонов таърифлаган, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган “ёшларнинг мукаммал тимсолларидир”. Шунингдек, азалий анъана ва қадриятларга бўлган садоқатини сақлаб, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам ўзлигини йўқотмаган кишилар орасида ёш авлод вакиллари ҳам борлиги кишини қувонтиради. Бундай персонажларни Ш.Бўтаевнинг “Бир кунлик меҳмон” қиссасидаги полвонлар, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романи қаҳрамонлари тимсолида кўриш мумкин. Узоқ йиллар мустабид тузум шароитида яшаган, дини ва миллий қадриятлари камситилган халқимиз учун истиқлол арафаларидан бошлаб чинакам миллий-маънавий уйғониш даври бошланди. Шунга кўра, истиқлол даври адабиёти, хусусан, ўзбек насрида миллий руҳ, миллий анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш, уларни келгуси авлодларга етказиш масаласини акс эттириш шу қадар долзарблашди, бу борада тадқиқотлар ҳам юзага келди¹².

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ижтимоий зиддиятлар диалектикасининг бадиий идрок этилиши”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли **“Олабўжи” романида ўтиш даврининг илк босқичи тасвири**” деб аталади.

Шукур Холмирзаевнинг “Олабўжи” романига 1991 йил санаси қўйилганки, ёзувчи мазкур романини мустақиллик арафаларидан ёза бошлаган деб тахмин қилиш мумкин. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”

⁹ Қаранг: Кийикбоев Ф. Ўзбек насрида оталар ва болалар муаммоси: генезиси, реалистик талқини (1970 – 2000). Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати – Тошкент, 2011.

¹⁰ Kiyikboyev F. Badiiy asarning muammoli tahlili (otalar va bolalar munosabatlari asosida) – Andijon: Hayot, 2012. – B. 7.

¹¹ Солижонов Й. Умрбокийлик сирлари // Жаҳон адабиёти, 2002. – №4. – Б. 133.

¹² Қаранг: Дониёрова Ш.Х. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012.

газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда Ш.Холмирзаев ўз романи ҳақида шундай дейди: “Олабўжи” деган роман тугатдим... Мен бунда *Миллий Озодлик Ҳаракати – табиий жараён экани* ҳақида ёздим, десам бўлади”¹³ (таъкид бизники – *К.Ш.*). Дарҳақиқат, асарда истиқлол арафаларидаги воқелик қаламга олинган. Унда жамиятда етилиб келаётган, ижтимоий фикрга айлана бошлаган мавжуд тузумдан норозилик, жамиятни ўзгартириш истаги бир қатор қаҳрамонлар, уларнинг ўзаро муносабатлари орқали очиб берилган.

Ш.Холмирзаев романда персонажларни икки катта гуруҳга ажратиб тасвирлайди. Яна ҳам аниқроғи, сюжет воқеалари ҳамда асар проблематикасига ёндашув табиий равишда персонажларни икки гуруҳга ажратиб қарашни тақозо этган.

Биринчи гуруҳга шўро тузумининг носоғлом муҳитида даврини суриб яшаб қолишга интилаётган Тўқлибой Қўчқоров, Тараканов, Бўтабой Сўпи, Одил миршаб образларини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳ эса шўро тузумидан у ёки бу даражада азият чеккан, азият чекаётган, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни ўзгартиришдан манфаатдор кишилар, яъни Ултон, Хуррам, Абдуқаюм, Зикриёхон домла, Қўрбоши бобо (Ўрол бобо), Қобил фаррош, Ашим образларидан иборат.

Роман персонажлари тизимининг айни хусусиятига адабиётшунос олим Ҳакимжон Каримов ҳам эътибор қаратади: “Шукур Холмирзаевнинг “Олабўжи” романи эзгулик ва фосиқлик дунёсининг инкишофи асосига қурилган. Эзгулик оламини Ултон, Ашим (Қорабой), Хуррам, Турсунтош (Турсуной), Абдуқаюм, Дунё, Қобиллар ташкил қилса, мунҳатлик дунёси Тўқлибой Қўчқоров, Баҳор, Бўтабой Сўпиев, Тараканов, Махфират Эгамқуловлар фаолиятида ўз ифодасини топади. Роман полифония хусусиятига эга. Унда тоталитар жамият тузумидаги барча негатив ҳолат ва иллатлар инкишоф қилинган. Бу ҳолат асарнинг биринчи саҳифасидан бошлаб то ниҳоясигача давом этади”¹⁴.

Шукур Холмирзаев Ултон ва Хуррам орқали ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари қиёфасини яратган. “*Миллий Озодлик Ҳаракати – табиий жараён экани*”ни ёзувчи айнан Ултон ва Хуррам образлари орқали очиб берган. Миллий мустақиллик заруратининг Ултон томонидан англаб етилиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Бу жараён ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар таъсирида тадрижий равишда рўй берганлигини Шукур Холмирзаев реалист ижодкор сифатида асослаб бера олган. Ултонни миллий озодликнинг заруратини англаш босқичигача кўтарган ижтимоий шарт-шароитларнинг энг муҳим жиҳати эса ижтимоий-иқтисодий ва экологик таназзул эди. Ёзувчи романда ана шу улкан таназзулга олиб келган кўплаб муаммоларни акс эттирган.

¹³ Адиб шахс бўлиши керак. Ёзувчи Ш.Холмирзаев билан суҳбат / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1991. - 1 ноябрь.

¹⁴ Каримов Ҳ. Бугунги наслнинг хусусияти ва тамойиллари // <http://sharqyulduzi.uz/?p=519>

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “**Ш.Холмирзаев асарларида авлодлар ўртасидаги муносабат масаласи**” деб номланган.

Жамият тарихининг ўтиш даврларида оталар ва болалар, умуман, авлодлар ўртасидаги муносабат зиддиятга айланиши, баъзан кескин конфликтлар кўринишида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода Шукур Холмирзаев асарларини авлодлар ўртасидаги муносабатнинг ёритилиши нуқтаи назаридан таҳлил этиш ёзувчи ижодининг бу давр хусусиятларини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Холмирзаевнинг “Қиш хангомаси”, “Аросат”, “Ҳукумат”, “Қушлар қишлоvdан қайтди”, “Наврўз, наврўз” каби қатор ҳикояларида ҳам ўтиш даврининг муҳим муаммоларини турли авлод вакиллари муносабатлари орқали ҳамда уларнинг руҳиятидаги ўзгаришлар воситасида очиб беришга интилиш кузатилади.

“Қиш хангомаси” (1987) ҳикоясида турли авлодга мансуб кишиларда ўтиш даври турлича акс-садо бераётганлиги, уларнинг фикр-қарашларидаги ўзгачалик қаламга олинган. Ҳикояда, назаримизда, муаллиф аниқ бир ижтимоий муаммони таҳлил қилишни эмас, давр ижтимоий муаммоларига нисбатан ким қандай позицияда турганини тасвирлашни мақсад қилган кўринади.

Ёзувчи ҳикоя персонажларига қуйидагича тавсиф беради: “Козим Пухтаев *элликдан ошган, майин-ипакдек киши*. У – ёзувчи. Асосан, тарихий мавзуда қиссалар ёзар, Қўлдош Ботир эса журналист, битта машҳур пахтакор совхозни директорини баайни монополия қилиб олган, ўзи *олтмишдан ошган қария* эса-да, ҳамон дадил эди”¹⁵. Ўсар Усмон эса “ёш шоир, энди *йигирма олтига кирган, дангал ва бетгачонар йигит* эди” (Бу ва бундан кейинги кўчирмалардаги таъкидлар бизники – *К.Ш.*). Ёзувчи шу тарзда персонажларнинг ёшига ва машғулотига оид тафсилотларни шундай аниқликда берадики, китобхон беихтиёр уларни турли хил авлодга мансуб кишилар сифатида таққослай бошлайди.

Ҳикоя қаҳрамонлари Козим Пухтаев ва Қўлдош Ботир собиқ тузумга ўзларича мослашган – Козим Пухтаев замонавий мавзулардан қочиб, асосан, тарихий мавзуларда ёзади, Қўлдош Ботир “машҳур пахтакор совхозни директори”нинг ютуқлари ҳақида ёзиб, шунинг орқасидан яхшигина обрў ва даромад топади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам шартаки, ёш шоир Ўсар Усмонни у қадар хушлашмайди, чунки Ўсар Усмон – “катталарни ҳурмат қилмайдиган”, “жилови бўш қўйилган” ёшлардан.

Ҳикоя бошдан-охир бадиий параллелизм асосига қурилган. Асардаги қор, йўлак, қорни кураб йўл очиш, Қўлдош Ботир чиқаётганда эшикнинг сассиз очилиши, Ўсар Усмон чиқаётганида эса шарақлаб очилиши – барчаси ўз маъносидан ташқари бошқа шартли маъно ҳам ифодалайди. Яъни ҳикоядаги деталлар қаҳрамонларнинг воқеа рўй бераётган пайтдаги

¹⁵ Холмирзаев Ш. Қиш хангомаси // Холмирзаев Ш. Сайланма. Ҳикоялар. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.66.

ҳолатлари билан бирга уларнинг умуман туриш-турмуши, ҳаётда, ижодда тутган йўлларини изоҳлайдиган восита вазифасини бажаради.

Ҳикоя персонажларининг исмлари ҳам ўзига хос шартли-рамзий маъноларни ташиди. Ўсар Усмон – **ўсадиган** йигит, Козим Пухтаев эса ўз ишига ниҳоятда **пухта** одам. Қўлдош Ботир ўзининг ноҳақлигини билса ҳам, бир-бирини **қўллайдиган**, шунга ишониб ҳар қандай вазиятда **ботир**лигини қўймайдиган кишилар тоифасига мансуб. Унинг бу хусусияти Ўсар Усмон билан тортишувда ҳам очик кўринади. У Ўсар Усмоннинг гапларидан жаҳли чиқиб, ёш шоир билан баҳслашар экан, ҳадеганда Козим Пухтаевни иттифоқчиликка, қўллашга чақираверади: “Бу... Козимжон, бунинг гапини эшитяпсизми?”, “Бунинг маккорлигини кўринг, Козимжон”. Қўлдош Ботир одамлар ўртасидаги муносабатларда ўзининг доимий “бир-бирини қўллаш” принципига амал қилади. Унинг доимий қаҳрамонини “порахўр, кўзбўямачи, амалпараст” деб атаган Ўсар Усмонга “У одам... гирой-а! Депутат! Шу гапинг қулоғига етса... **Уни казо-казолар қўллаб турганда...** Э, уятсиз!” дея танбеҳ беради. Кўрамизки, Қўлдош Ботир учун ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дейиш унчалик муҳим эмас, кимга қандай баҳо бериш уни кимлар қўллаб турганига боғлиқ.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўляптики, Козим Пухтаев Қўлдош Ботирнинг ижодига у қадар жиддий қарамайди, унинг қаҳрамонига бироз истеҳзо билан муносабатда бўладик, бу билан журналистнинг ўзига бўлган муносабатини ҳам кўрсатишга улгуради. Бу ҳол айниқса, Ўсар Усмоннинг бетгачопарлик билан айтган иддаоларидан кейин ҳикоя охирида ошкора намоён бўлади. Шунда ҳам бу иккала ижодкор енгилгина шама билан чекланишади, яъни Козим Пухтаев Ўсарнинг гапида жон борлигини, Қўлдош Ботир эса Пухтаевнинг ростдан ҳам ўтмиш мавзусига оғиб кетганлигини айтиб, бир-бирларининг ижодига бўлган муносабатларини ошкор қилишади. Шундай қилиб, ёш шоир Ўсар Усмон таъсирида бу иккала ижодкор рост гапни айтишга, қисқа муддат бўлса-да, самимий бўлишга мажбур бўладилар.

Ш.Холмирзаевнинг авлодлар ўртасидаги муносабат очик акс этган яна бир ҳикояси “Устоз” деб номланади. Ҳикоянинг номиёқ устоз ва шогирд ўртасидаги, демак, айни пайтда икки авлодга мансуб кишилар ўртасидаги муносабатларга ишора қилади. Ҳикоянинг айнан “Устоз” деб номланиши асар асосан, устознинг характерини, инсон ва устоз сифатидаги моҳиятини очиб беришга қаратилганини кўрсатади. Асар давомида устоз гарчи ўзининг бир шогирди тақдири ҳақида ҳикоя қилиб берса-да, у асосан ўз характерининг зиддиятли ва айни пайтда жирканч қиёфасини кўрсатиб беради. Ёш истеъдод эгасининг ачинарли қисматига устознинг қанчалик ҳисса қўшганлиги унинг ўз тилидан фош қилинади.

“Устоз” ҳикоясига қаҳрамон қилиб олинган устоз – иккиюзламачи одам. Ҳамма нарсани тушуниб, билиб, жуда яхши англаб туради, лекин ёмонлигини қўймайди, ёмонликни ўзининг назарида яхши ниятда қилади. Унинг қайси гапи тўғрилигини, аслида нияти нима эканини дафъатан тушуниб олиш қийин. Аммо ёзувчи унинг ҳақиқий қиёфасини фош этиш

учун жуда яхши усул топган. Муаллиф қаҳрамонни ўз тилидан фош қилади. Иши ва сўзи бир бўлмаган бу одам аслида адабиётнинг тараққиётига, ўз навбатида жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган, эркин, мустақил фикр йўлини тўсиш, иқтидорли шогирдларни юзага чиқармаслик билан бир вақтда бу ишларни гўё виждони буюрган олижаноб иш каби амалга оширади ёки ўзини шундай кўрсатади. Шогирд эса ёш, содда, ғўрлиги сабаб тез синади, маккор устознинг айёрлик билан амалга оширган ишлари қурбонига айланади. Устоз собиқ тузум етиштирган ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилишда давом этаётган кишиларнинг умумлашма образи даражасига кўтарилган. Ҳикояда ёзувчининг сатирик тасвир маҳорати бор бўйича намоён бўлган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўтиш даври қаҳрамонининг ижтимоий-маънавий изланишлари”** деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи фасли **“Қаҳрамон ижтимоий-маънавий танлов қаршисида”** деб аталади.

Адабиётшунос олим Ҳакимжон Каримов истиқлол даври ўзбек адабиёти, жумладан, ҳикоячилигининг етакчи тамойиллари хусусидаги мақоласида қуйидаги фикрларни айтади: “Маълумки, бадиий ижоддаги муайян йўналиш ўз-ўзидан юзага келмайди. Унинг ҳам ўз асоси, тарихи бўлади. Истиқлол даври ҳикоячилигидаги янгиланиш ва тамойилларнинг вужудга келиши худди шундай омилларга боғлиқ. Яъни, *унутилган қадриятларнинг тикланиши, маънавиятнинг асоси бўлган динга эътиборнинг кучайиши, давлат бошқарувида демократик йўналишнинг пайдо бўлиши, бозор иқтисодининг таркиб топиши* сингарилар. Бу ўзгаришлар одамларни бошқача ҳаракат қилишга ундади. Аниқки, *бундай сабъ-ҳаракатнинг барчаси онг, тафаккур орқали бошқарилади*”¹⁶ (Таъкид бизники – К.Ш.).

Адабиётшунос Олим Тошбоев ўзининг “Ўзбек характери” номли мақоласида “Шукур Холмирзаевнинг 1987-1988 йилларда “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналларида эълон қилинган туркум ҳикоялари ўша даврда ўзига хос адабий портлаш бўлди” деб ёзган эди¹⁷. Ҳақиқатан ҳам, мақола муаллифи таъкидлаганидек, ёзувчининг мазкур даврда яратилган “Яшил “Нива”, “Устоз”, “Хумор”, “Ҳайкал”, “Йиғи”, “Хоразм, жонгинам...”, “Ўзбек характери”, “Ҳукумат” каби бир қатор ҳикояларида “зўравонликка асосланган тузум фуқаролар бошига қандай кулфатлар келтиргани, фожиалар гирдобидида қолган инсонларнинг мураккаб ҳаёти ёрқин образларда, “коса тагида нимкоса” тарзида тағдор қилиб тасвирланган”¹⁸.

Адибнинг истиқлол арафаларида яратилган бир қатор ҳикояларида ўтиш даврининг турли хил ижтимоий-маънавий ҳамда руҳий муаммолари

¹⁶ Каримов Ҳ. Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари // <http://sharqyulduzi.uz/?p=519>

¹⁷ Тошбоев О. “Ўзбек характери” ёхуд руҳоний ва нафсоний мунозара ичида яшаётган инсон образи // <http://sharqyulduzi.uz/?p=1685>

¹⁸ Ўша жойда.

бадий таҳлил қилинган. “Битикли тош”, “Яшил “Нива”, “Хорун ар-Рашид”, “Озодлик”, “Қуёш-ку, фалакда кезиб юрибди”, “Наврўз, наврўз” кабилар ана шундай ҳикоялар жумласига киради. Ушбу ҳикояларнинг аксарият қаҳрамонлари ўз даврининг муаммоларини муҳокама қиладилар, бу орқали муаллиф китобхонни ана шу муаммоларнинг илдизлари ва ҳал этиш йўллари ҳақида мушоҳада этишга ундайди. Шунингдек, ушбу ҳикояларда жамиятдаги турли табақа кишилари характеридаги ички ва ташқи ўзгаришлар муаллиф учун асосий тасвир объекти саналади.

“Битикли тош” (1987) ва “Яшил “Нива” (1987) ҳикояларида истиқлол арафасидаги ҳаёт тасвирланган. “Битикли тош”нинг қаҳрамони Бойқувар самолёт дори сепаетганда культивация қилгани учун кўзлари хиралашиб қолган, ҳикоя воқеалари вақтида интернатда қоровуллик қилади. У отасининг қабрига тош қўйдирганлиги учун район партия комитетининг идеология бўлимига чақиртирилади. Сўнг интернатда унинг бу иши муҳокама қилинади, “динни прапаганда қилгани учун”, “атеистик прапагандага қарши боргани учун” Бойқуварни партиядан ўчиришади, бунинг устига интернат қоровуллигидан ҳам бўшатишади. Бойқуварни ўз қўллари билан қабртошни бузиб юборишга мажбур қилишади. Кўрамизки, қаҳрамон ўз танловида – қабртошни бузиб юборишда ихтиёри ўзида эмас, у фақат айтилган буйруқни бажарувчи холос. Ҳикоя воқеалари фақат шу билангина тугамайди. Партия билетини топшираётганда юрагини узиб бераётгандек қийналган Бойқувар қабртошни бузиб юборганидан кейин партиёга ва ишга тикланишидан умидвор бўлиб идеология бўлими секретари, собиқ синфдоши Дилнуранинг олдида бир неча бор қатнайди, бироқ қабулига киролмай қайтади. Бойқуварнинг партиё ва унинг одамларидан аста-секин кўнгли қола бошлайди: “...Кимга бораё? Ким тушунади?” Кўриб турганимиздек, Бойқувар давлатга хизмат қилиб, ҳатто кўзлари хиралашиб қолган бўлса ҳам, уни аяб ўтиришмайди. Бойқувар ўзи ҳам мана шу давлатга, коммунистик партиёга хизмат қилиб кўзлари хиралашиб қолганини миннат қилмайди, у партиядан фақат нажот кутади, уни тушуниб бир куни партиёга қайта олишлари, интернатга қайта ишга киришига умид қилади. Бироқ Бойқуварнинг бу умидлари оқланмайди, у кимдан нажот кутишни билмай изтиробга тушади. Иложсиз қолган Бойқувар отасининг қабри ёнида ўтириб беихтиёр ғалати ҳолатга тушади: “Кейин беихтиёр булутли осмонга қараб қолди-да, ўша булутлар ортида сирли ва қудратли зот бордек туюлди. Ва шу заҳоти унга тавалло қила кетди: - Эй, Танграм, агар бор бўлсанг, бу аҳволни... менинг аҳволимни кўриб турибсан! Сенга топингувчи мусулмонларга муруват қилур эмишсан... Мана мен ҳам сенга ёлвораётиман. Чунки сендан бошқа зот қолмади...”¹⁹. Гувоҳи бўлганимиздек, коммунист ва ўзини атеист ҳисоблайдиган Бойқуварнинг руҳиятида улкан ўзгариш содир бўлади. Бунинг таъсирида Бойқуварнинг ҳаётида ҳам ижобий томонга ўзгариш бўлади. “Кимгадир берган ваъдасининг

¹⁹ Холмирзаев Ш. Битикли тош. // Холмирзаев Ш. Сайланма. II жилд. – Тошкент: Шарк, 2005. – Б.65.

устидан чиқадигандек бир шахд ила гоҳ жўяк тортиб кўчат ўтқазар, гоҳо дарахтларнинг тагини юмшатар, гоҳ гўнг ташир ва сочар эдики, бундан камгап хотини-да хурсанд бўлиб, унга чой тутар, қизалоғи эса қувнай-қувнай изидан эргашиб юрарди...” Бойкувардаги мана шу ҳолат туфайли қабртош ва у билан боғлиқ воқеалар, ўзи ишлаган интернат унга худди узоқ ўтмишдек туюла бошлайди. Ёзувчи ҳикоя сўнгида қаҳрамоннинг “табиий ва ибтидоий ҳаёт тарзига тушгани”, эътиқоду ботиний ишончлар унга мадад бераётгани”ни айтади. Ҳа, эндиликда Бойкувар одамлар билан муносабатда, ўз-ўзига муносабатда ҳам қанақадир партиянинг кўрсатмаларига мос келиш-келмаслиги ҳақида бош қотириб ёки бундан чўчиб ўтирмайди, у яшаш тарзи ва қилаётган ишлари билан табиий бир оқимга тушиб олади. Энг муҳими, у бундай ҳаёт тарзини танлашда эркинлигини сақлаб қолади.

“Яшил “Нива” (1987) ҳикоясининг қаҳрамони – зиёли, институтда ўқитувчи. Ҳикоядаги воқеалар ана шу персонаж тилидан ҳикоя қилиб берилади. Ҳикоячи-персонаж асарда тасвирланган “диктатор амалдор”га тўғридан-тўғри қарам ёки тобе эмас. Шундай бўлса-да, у ана шу “диктатор” билан энг оддий, арзимас нарсалардаям ҳисоблашишга мажбур. Буни ёзувчи ҳикоячи-персонаж “диктатор”нинг яшил “Нива”сидан шунчаки айланиб ўтиб, ўзиб кетишга журъат қилолмагани орқали кўрсатиб беради. Ёзувчи ҳикояда иккита эпизодни келтиради. Биринчисида “диктатор амалдор”нинг яшил “Нива”си орқасидан имиллаб юравериш, персонаж институтдаги дарсига ҳам кеч қолади, постдаги инспектор орқали амалдорнинг “жуда одобли бола экан” деган мақтовини эшитиб, ҳам хижолат бўлади, ҳам биров жажли чиқади: “Қарахт бўлиб қолдим. Биз болакай “одоб юзасидан” у кишини йўлда қолдириб ўтиб кетмаган эканмиз!” Иккинчи эпизодда қаҳрамон “диктатор”нинг аллақачон ишдан олинганини билгандан кейин ҳам йўлида учраб қолган яшил “Нива” билан изма-из кетаверади, бу машина оддий рус йигитининг “Нива”си бўлиб чиқади: “Ўтиб кетдим. Яна куламан: “Ўл сен ваҳимачи! – дейман. – Қўрққанга қўшалок кўринади, дегани шу экан-да... Дадил бўл-э! Одамсан-ку, анави “диктатор”лар пайдо бўлишидан олдин ҳам бор эдинг-ку? Халқдан ибрат олмайсанми? Халқ уйғонаётир-ку...”²⁰.

Ўз вақтида ушбу ҳикояга муносабатини билдирган адабиётшунос олим Исроил Мирзаев шундай ёзган эди: “Ёзувчи ана шундай яшил “Нива”лар таъқибидан қутула олмаётганимизнинг фожеасини жуда аниқ, ишонарли бадиий кашф этган. Ҳақиқатан, мамлакатимизда рўй бераётган улкан янгиланиш, покланиш – қайта қуриш, демократиялаштириш даврида ҳам биз ўз дардларимизни очиқ-ойдин айта олмаётганлигимиз, айтганда ҳам жуда эҳтиёткорлик, журъатсизлик кўрсатаётганлигимизни эътироф этиш керак”²¹. И.Мирзаев тилга олган қайта қуриш, демократиялаштириш мустақиллик арафасидаги жамиятимиз учун барибир шўро тузуми шароитидаги чекланган, чегараланган демократиялаштириш эди. Шунинг учун ҳам ўша

²⁰ Холмирзаев Ш. Яшил “Нива” // Холмирзаев Ш. Сайланма. II жилд – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 79.

²¹ Мирзаев И. Умид ва ишонч // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б. 127.

пайтда кишиларда эркинлик, демократияга тўла-тўқис ишонч уйғонмаган эди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, ҳикоя қаҳрамонининг ҳолати ёзувчи томонидан ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан асосли тасвирланган. Чунки мазкур ҳикоя 1987 йилда ёзилганлигини эътиборда тутсак, жамиятимиз истиқлолга эришмаган пайтдаги зиёлиларда хавотир, баъзан кўрқув кузатилиши, мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишдан ўзларини чеклаши, табиий ҳам эди.

Иккинчи фасл **“Динозавр” романида ўтиш даври муаммоларининг бадиий ифодаси**” деб номланган.

Шукур Холмирзаевнинг “Динозавр” романи 1996 йилда “Ёшлик” журналида чоп этилган бўлиб, унда мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда кишилар дунёқараши ва руҳиятида кечган ўзгаришлар акс эттирилган. Романга Кантнинг “Мен – Зардуштий, сўзим шу...” асаридан олинган “Қуёшнинг ботиши – чиқишидан далолат...” сўзлари эпиграф қилиб олинган. Журналда романнинг биринчи фасли берилган бўлиб, муаллиф унга “Биринчи фасл: Куз” деб сарлавҳа қўйган. Асар эпиграфи ва фаслнинг сарлавҳаси орқали муаллиф жамиятдаги ўтиш даврига хос белгилар жамият тарихи учун янгилик эмаслиги, инсоният ўтиш даврларини кўп бора бошдан ўтказганини таъкидлаш баробарида, ўтиш даври қийинчиликлари ўткинчи эканига неқбинлик билан ишора қилади ҳамда жамият яна бир маромдаги тараққиёт йўлига чиқиб олишига бўлган ишончини ифодалайди.

Шукур Холмирзаевнинг аввало моҳир ҳикоянавис эканлиги унинг “Динозавр” романи сюжетида таъсир этмай қолмаган. Романда худди ҳикоядаги каби сиқик вазият сюжет асосини ташкил этади: роман сюжети бош қаҳрамоннинг Тошкентдан қишлоққа келиши ва эртасига қайтишига қадар жуда қисқа вақт давомида рўй берган воқеалардан иборат. Романнинг жуда катта қисмини персонажлар ўртасидаги суҳбатлар эгаллаганки, ана шу диалоглар орқали ўтиш даври кишиларининг дунёқараши, ижтимоий-маънавий қарашларидаги чуқур ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

Роман бош қаҳрамони – кинорежиссёр Маҳкам. Бош қаҳрамоннинг ижодкор зиёлилар қатламига мансуб эканлиги муаллифга у орқали турли тоифа кишиларнинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга мослашиш жараёни ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш имконини берган. Муаллиф воқеаларни тасвирлаш асносида ўтиш даври одамларининг ички ва ташқи ҳаётида рўй берган ва рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради, турли усул ва воситалар орқали уларга ўз муносабатини ҳам ифодалайди. Ёзувчи “Динозавр” романида ҳам ўтиш даврининг бадиий талқинида ўзининг реалистик услубига таянади. Давр кишиларининг ижтимоий қиёфаси, уларнинг гап-сўзлари, ўй-фикрлари конкрет ижтимоий шароитга боғлиқ ҳолда, тўғрироғи, ана шу шароитнинг маҳсули ўлароқ талқин этилади.

ХУЛОСА

Ҳозирги ўзбек насрида ўтиш даврининг бадиий талқини бўйича олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги асосий хулосаларга келдик:

1. Ҳар бир жамият тараққиётида ўтиш давлари содир бўлиб, у ўз умрини тугатган ижтимоий муносабатлардан янги, илғор ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёни эканлиги билан характерланади. XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб жамиятимизда маъмурий буйруқбозликка асосланган социалистик тузумдан бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятига ўтиш даври бошланди. Тадқиқотда Шукур Холмирзаевнинг ана шу ўтиш даври бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинган асарлари ёзувчи ижодининг алоҳида босқичи эканлиги асослаб берилди.

2. Тадқиқотда ўтиш даври адабиёти ва ўтиш даври бадиий эстетик идрок объекти қилиб олинган асарлар ўзаро фарқланиб, ўтиш даври бадиий эстетик идрок объекти бўлган асарлар ўтиш даври адабиётининг бир қисмини ташкил этиши, шунингдек, ўтиш даври ҳақида кейинчалик ҳам асарлар яратилиши мумкинлиги кўриб чиқилди (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”, Ойбек. “Қутлуг қон”). Ижодкорнинг дунёқараши, адабий авлод вакили сифатидаги хусусиятлари ўтиш даври бадиий идрок этиш жараёнига, воқеликка ёндашувига таъсир этади. “Реал воқелик” ва “бадиий воқелик”нинг ўз қонуниятлари мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, ўтиш даври тасвирланган асарларнинг ҳар бирига воқеликни турли томонлардан англаш имконияти сифатида қараш тақозо этилади.

3. 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган ўтиш даври бадиий-эстетик идрок объекти қилиб олинган асарларда, аввало, ўтмишни қайтадан идрок этаётган персонаж (Н.Эшонқул. “Маймун етаклаган одам”) ёки бозор муносабатлари шароитида ўзига мос йўлни қидираётган зиёли образи асосий марказга чиқарилди (Ш.Холмирзаев. “Олабўжи”, “Динозавр”, У.Ҳамдам. “Мувозанат”, “Исён ва итоат” ва б.). Ўтиш даври бадиий тасвирида реалистик усуллар билан бир қаторда нореалистик, хусусан, шартли-мажозий усулларда акс эттириш тенденцияси кузатилди (Х.Дўстмуҳаммад. “Жажман”, “Бозор”). Шукур Холмирзаев ўтиш даври тасвирида ҳам ўзининг реалистик принципларига содиқ қолган ҳолда ижод қилди, қисман шартли усулларга мурожаат қилди (“Қиш ҳангомаси”, “Озодлик” ҳикоялари).

4. “Олабўжи” романида Ш.Холмирзаев мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши тарихий-тадрижий жараёнлар ҳосиласи эканлигини кўрсатиб берган. Романда жамиятдаги ўтиш даврининг илк босқичига хос муҳим хусусият – умрини тугатган эски тузумнинг инқирозга юз тутганлигини жамият аъзолари томонидан англаниши акс этган. Романдаги Тўқлибой Қўчқоров, Тараканов, Бўтабой Сўпи образлари эски ижтимоий муносабатлардан манфаатдор кишилар бўлиб, янги авлод вакиллари – Ултон, Хуррам, Абдуқаюм образлари орқали янги ижтимоий муносабатларнинг илк белгилари кўрсатилган.

5. Ш.Холмирзаев асарларида ўтиш даври авлодлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар тасвири орқали бадиий талқин қилинади. Собиқ шўролар тузуми етиштирган ижтимоий типларнинг хусусиятлари ҳамда янги давр кишиларидаги ўзгаришлар “Қиш хангомаси” ҳикоясида уч авлоднинг, “Устоз” ҳикоясида эса икки авлод вакилларининг муносабатлари орқали очиб берилган. “Аросат” ҳикоясида худди шу усулда азалий қадриятларни сақлаб қолиш, уларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, ворисийликнинг миллий тараққиёт учун аҳамияти бадиий ифодаси таҳлил этилган.

6. Ёзувчи умр бўйи шўро ғояларига чин дилдан ишониб, уларга хизмат қилаётганига шубҳа қилмай яшаган инсонларнинг давр ўзгаришларига мослаша олмаётгани, янгиликларни қабул қилолмаётгани (“Ҳукумат”, “Қушлар қишловдан қайтди” ҳикоялари), уларнинг кейинги авлод вакиллари билан мураккаб ва чигал муносабатларининг бадиий таҳлили орқали, ҳар икки авлод вакилларининг ўтиш даврига хос хусусиятларини очишга эришган. Бунда катта авлоднинг бир оёғи билан ўтмишда турганлигини, кейинги авлоднинг эса катта авлодни тушуниш ва янги давр одами сифатида уларнинг ҳаётидан хулоса чиқариб, истиқлолнинг кадр-қимматини ҳис қилишларига алоҳида диққат қаратган.

7. Шукур Холмирзаевнинг 80-90-йиллар ҳамда 2000-йиллар ижодида янги ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш жараёнида ўзига хос ижтимоий-маънавий танловни амалга ошириш зарурати қаршисида турган инсон ёзувчи диққат марказида бўлди. Адибнинг “Битикли тош”, “Яшил “Нива”, “Қуёш-ку, фалакда кезиб юрибди”, “Наврўз, наврўз”, “Озодлик” ҳикояларининг қаҳрамонлари ана шундай танлов қаршисида акс эттирилган. Уларда ёзувчининг танловга муносабати орқали асар ғояси очилади, муаллиф позицияси ойдинлашади.

8. Собиқ тузумнинг сўнгги йиллари акс эттирилган ҳикояларда (“Битикли тош”, “Яшил “Нива”) жамиятда вазият ўзгарганига қарамай, ҳамон эскича фикрлашда давом этаётган кишилар образи тасвирланган. “Битикли тош”даги район партия кўмитасининг идеология котиби, мактаб директори ва илмий бўлим мудир, “Яшил “Нива”даги ҳикоячи-персонаж ана шундай кишилар тимсолларидир. “Қуёш-ку, фалакда кезиб юрибди” ҳикоясида эса ўтиш даври қийинчиликлари олдида биров довдираб қолган, руҳиятида ижтимоий-маънавий изланишлар кечаётган ижодкор асарга бош қаҳрамон қилиб олинган. “Наврўз, наврўз” ҳикоясининг қаҳрамони қатъиятли ва мурасиз одам, унинг характер хусусиятлари эскича фикрлайдиган Жоникул Жондор билан муносабатда очиб берилган.

9. “Озодлик” ҳикояси Ш.Холмирзаевнинг ўтиш даври бадиий талқин этилган асарлари орасида яхлит бадиий концептуалликка эга эканлиги билан ажралиб туради. Ҳикояда жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб персонажларнинг ўтиш даври ўзгаришларига муносабатлари, қарашлари акс этган. Мансур ва каклик (Хоинбека) образлари орқали қўлланган бадиий параллелизм усули, умуман жамият аъзоларининг озодликка ўрганиши масаласини бадиий таҳлил этиш учун яхши имконият яратиб берган.

10. Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврида ижодий кризисни бошдан кечираётган санъаткор образи яратилган. Маҳкам образи ижтимоий-маънавий қадриятларга содиқ, аммо ижодкор сифатида қадрсизланган инсон. Маҳкам моддий манфаат кетидан қувишга берилган омма билан муносабатда “шароит ичида шароит” яратишга уринаётган, бироқ бунинг уддасидан чиқишга ожизлик қилаётган персонаждир. “Динозавр” романида ёзувчи Маҳкам, Жамолиддин, Шахло, Тоиров, Аблаз ака каби персонажларнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мослашиш жараёнини, уларнинг ижтимоий-маънавий танлови сабабларини бадий жихатдан асослаб акс эттириб берган.